



ЯПОН ТИЛИДА БУЙРУҚ МАЗМУННИ ИФОДАЛОВЧИ ОМИЛЛАР

*Ачилова Озода Фарходовна,
СамДЧТИ катта ўқитувчиси, (PhD-II)*

Калит сўзлар: нутқий акт, тақиқ, буйруқ, илтимос, грамматик конструкция, билвосита, бевосита, ҳурмат ва оддий шакл оттенкалари, ижозат.

Япон тили диалогик нутқида иштирок этувчи жумлалар, дунёдаги бошқа айрим тиллардан фарқли ҳолда, структур жиҳатдан худди ўзбек тилидаги сингари воқеланади. Масалан, оддий дарак, сўроқ ёки инкор каби гапларни таҳлил қилиш жараёнида ҳар иккала тилда куйидаги ўхшашликни кузатиш мумкин:

7時に学校へ行きます。(Соат еттида мактабга бораман);

朝は学校へ行きますか。(Эрталаб мактабга борасанми?).

Яъни гап таркибини ҳосил қилувчи гап бўлақларининг ўрни ва улар бажараётган вазифаси ҳар иккала тилда ҳам ҳеч қандай тафовутга учрамайди. Гап таркибидаги бўлақлар кесимдан олдинги ўринда иштирок этади ва ушбу қисмлар япон тилида кесимнинг маъносини ойдинлаштирувчи ва унинг мазмунини очувчи сўзлар сифатида қаралади.

Айтиш жоизки, сўроқ гапларда гап тартиби худди дарак гаплар сингари бўлиб, гап кесимга “か” юкласининг кўшилиши билан якун топиши одатий ҳол бўлса-да, даврлар алмашинуви ва тил тараққиёти таъсири остида тил структураси ҳам етарлича сайқал топиб бормоқда дейиш мумкин. Сўроқ оҳангни ифодаловчи “か” юкласининг нутқ ижрочиси ва тингловчининг ўзаро муносабатлари асосида эркақлар томонидан “かい”、“だい”、“かな” шаклида намоён бўлса, аёллар томонидан “かしら” тарзида кенг қўлланилиши одат тусига кириб бормоқда. Масалан,

これは何ですか。これ、何かい。これ、何かしら。(Бу нима?).

Шу ўринда, япон тили буйруқ гапларига тўхталадиган бўлсак, гапнинг ушбу турига тақиқ ва ижозат маъноларини қамраб олувчи “しろ” (бажар) ёки “するな” (бажарма) каби кишини маълум бир ҳаракатни бажаришга ёки аксинча, уни бажармасликка ундовчи нутқий актларни киритиш мумкин.

Шунингдек, буйруқ оҳангдан ташқари, илтимос, таклиф ҳамда ҳурматни фодалайдиган айрим феъллар, махсус фраза ва грамматик конструкцияларни ҳам киритиш ўринли бўлиб, бундай ҳолларда нутқ ижрочиси тушириб қолдирилиши ва гап таркибидаги эганинг қайси шахсда намоён бўлиши гапдаги кесимдан англанилиши ҳоллари кўп кузатилади. Буйруқ гапларда сўзлар тартиби худди дарак гапдаги каби ифода топса-да, буйруқ майлидаги феъллар, асосан, хушмуомалалик шаклида воқеланиши япон лингвомаданиятининг ўзига хос жиҳатларидандир. Масалан,

ここで止めて下さい。
Шу ерда тўхтатинг! (нейтрал-хушмуомалалик, буйруқ).

ここでたばこを吸わないで下さい。Бу ерда тамаки чекманг!

(нейтрал-хушмуомалалик, тақиқловчи буйруқ).

これをかたずけてくれ。Буни йиғиштир!
(буйруқ, бетакалуф шакл).

だめ、泣くな! やめろ! Бўлди, бас йиғлама!
(ўта қўпол оҳангли буйруқ).

あなたも行ってくれませんか?

Сен ҳам борасанми? (илтимос, таклиф, ҳурмат шакл).

ちよっと見せていただけませんか?



Кўрсатиб юборинг. (илтимос, ҳурмат шакл).

行きましょう。

Қани кетдик! (илтимос, таклиф, бетакаллуф шакл).

行って見てはいかがですか。

Балки, бориб кўрармиз (таклиф, ҳурмат шакл).

Япон тилида буйруқ шаклининг ҳурмат ва оддийлик оттенкаларини

аниқлаш учун, аввало, гапда кесим вазифасини бажарувчи феълларни гуруҳлаш жоиз.

Бундай тузилишига кўра феъллар уч гуруҳга тоифаланади. Қуйида келтирилган жадвал асосида, 命令形 (буйруқ) ва 禁止形 (тақиқ)ни ифодаловчи феъл гуруҳларининг таснифланишини кузатиш мумкин:

	ます形 ^{けい}	命令形 ^{けい}	Буйруқ шакл (қўпол оҳангда)
I гуруҳ феъллар	かきます いそぎます のみます よびます	かけ いそげ のめ よべ	ёз шошил ич чақир

Нутқда қўлланилиши:

きそく

規則をまもれー Қоидага амал қил!

でんしゃの中でさわぐなーПоезд ичида шовқин солма!

	ます形	命令形	Буйруқ шакл (қўпол оҳангда)
II гуруҳ феъллар	たべます ねます おきます みます	たべろ ねろ おきろ みろ	е ухла уйғон кўр (кара)

Нутқда қўлланилиши:

さけるなーТуширма!

でるなーЧиқма!

	ます形	命令形	Буйруқ шакл (қўпол оҳангда)
III. гуруҳ феъллар	きます します	こい しろ	кел бажар

Нутқда қўлланилиши:

早く来いーЭртароқ кел!



Тақикни ифодаловчи буйруқ шакл, гапда кесим вазифасини бажарувчи феълларга “な” суффикси қўшилиши билан ҳосил бўлишини қуйидаги жадвал асосида кузатиш мумкин:

I гуруҳ феъллар	II гуруҳ феъллар	III гуруҳ феъллар
禁止形	禁止形	禁止形
かくな いくな	たべるな ねるな	くるな するな

Нутқда қўлланилиши:

おきるな—*Кеч қолма!*

くるな—*Келма!*

Маълумки, буйруқ гап ва уни ҳосил қилувчи феъл шакллари тингловчини маълум бир ҳаракатни амалга ошириш ёки уни бажармасликка даъват қилиш мақсадида мулоқот жараёнида воқеланади.

Япон тилида буйруқ гаплардан мулоқот жараёнида фойдаланишда маълум бир чекловлар мавжуд бўлиб, бундай оҳангдаги жумлалар суҳбатдошга нисбатан ҳурматсизликни ифодалайди ва сўзлашув нутқида, асосан, эркаклар томонидан ўринли қўлланилиши кўп учрайди.

Буйруқ ва тақикни ифодаловчи шакллар, одатда, қуйидаги ҳолларда нутқда фаоллашади:

1. Лавозими ёки ёши улуғ бўлган эркаклар томонидан ўзидан кичикларга нисбатан ҳамда оталар томонидан болаларга нисбатан:

騒ぐな。 *Шовқин солма!*

遅れるな。 *Кеч қолма!*

2. Дўстона муносабатда бўлган эркаклар ва йигитлар орасида:

Бу ҳолатларда нутқ якунида “よ” юкламасининг иштироки асосида буйруқ оҳанг юмшатилади ёки мулойимлаштирилади:

明日 家へ 来い (よ)。 *Эртага уйга кел!*

沢山 飲むな (よ)。 *Кўп ичма!*

3. Спорт мусобақалари, танловлар ва шу каби фавқулдда тадбирлар ўтказилаётган вақтда мухлислар томонидан кенг қўлланилиб, ҳис-ҳаяжон оҳангидаги буйруқни ифодалайди ва кўполликка йўйилмаган ҳолда, аёллар

томонидан ҳам муаммосиз қўлланилиши мумкин.

負けるな—*Ютқазма!*

頑張れ—*Ҳаракат қил!*

頑張って—*Омад ёр бўлсин!*

4. Инсонларга кучли таъсир ўтказиш ёки огоҳликка ундаш ҳолатларида, шиорларда ёки йўл белгиларида:

入るな—*Кирманг!*

止まれ—*Тўхтанг!*

Шунингдек, буйруқ гапларнинг “な さい” шакли ҳам мавжуд бўлиб, бу асосан, ота-оналар томонидан фарзандларга ёки ўқитувчилар томонидан ўқувчиларга нисбатан кенг қўлланилади. Ушбу форма асосида шакланган буйруқ гапларда кўпол ва дағаллик бўёқдорлиги нисбатан камроқ миқдордалиги боис, улар кўпроқ аёллар нутқида намоён бўлади. Масалан:

食べなさい—*E!*

読めなさい—*Ўқи!*

勉強しなさい—*Дарс қил!*

Бундан кўришиб турибдики, ҳар бир тил ўзининг грамматик хусусиятларига эга бўлгани каби, япон тилида буйруқ гаплар ҳам бошқа тилларга солиштириб бўлмайдиган ўзига хосликларга бойдир.

Мулоқот жараёнида бундай мазмундаги нутқий актлардан ўринли фойдалана олиш нутқ жозибасини ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади ҳамда нутқ ижрочисидан чуқур билим ва улкан маҳорат ҳамда ҳушёрликни талаб қилади.



Адабиётлар:

1. Сафаров Ш. Прагмалингвистика -Тошкент, 2008.
2. 隆 横田 “日本語教育における命令文”, 東北大学 - 2017.
3. 小川巖 “みんなのほんご-II, 日本, 2018.
4. “日本語文法入門”—アルク、2014.
5. “広辞苑”—岩波書店-2012.
6. “ミニことわざ辞典”—2013.

Ачилова О. Средства выражения содержания приказа в японском языке. В данной статье рассматриваются важные аспекты использования директивных и косвенных репрезентаций императивных речевых актов в японском языке, конкретные правила и их использование в процессе диалогической речи, а также грамматические структуры, которые играют важную роль в развитии языковых навыков учащихся.

Изучение императивной речи, связанной с лингвистикой, является ее актуальностью. В статье дается определение прохибитивного и пермиссивного понятий, лингвистических ценностей и их типов в японском языке. Выявлены и проанализированы языковые инструменты для выражения императивных ценностей и их роль в японском языке.

Achilova O. The means of expression of order in the Japanese language. This article belongs to the important aspects of the representation, rules and forms of imperative sentences in Japanese language and its direct or indirect usage in the course of the dialogue. there is an information about the grammatical constructions of the imperative form which play an important role to develop the students` skill of learning foreign language.

The article defines the concept of imperative speech act in the Japanese language and their types. Language tools for expressing prohibited and permissible speech acts in Japanese are identified and analyzed.